



НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АКТИВЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мехридин Хожиев

Тошкент молия институти “Аудит” кафедраси доценти, PhD, Тошкент, Ўзбекистон.
email: dj.msx@mail.ru,
ORCID: 0000-0002-0968-5726

IMPROVING ASSETS AUDIT IN NON-STATE NON-PROFIT ORGANIZATIONS

Mexriddin Khojiyev

PhD, Associate Professor of the department "Audit" Tashkent Institute of Finance, Tashkent,
Uzbekistan. email: dj.msx@mail.ru,
ORCID: 0000-0002-0968-5726

JEL Classification: M4,M42

Аннотация. Уибӯ мақоламизда нодавлат нотижорат ташкилотларида активлар аудитинининг асосий мақсади, ташкил қилиши ва уларни ахборот манбалари бўйича инвентаризациядан ўtkазиши, активларни мақсадли фойдаланилишини бухгалтерия ҳисобида акс эттирилганигини текшириши муаммолари ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) сонининг динамик ўзгариши, ННТда активлар аудитининг асосий мақсади, ННТ ташкил этилган соҳалар диаграммаси таҳлил қилинган ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) активлари аудитини такомиллаштириши юзасидан тегишилича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ва мавзу юзасидан хулосалар келтириб ўтилган.

Шунингдек, активларни аудиторлик инвентаризация тўғри ўтказилганини назорат тариқасида солиштиришима қайдномаларга расмийлаштириши ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиши тартиби ёритилган.

Бу эса ўз навбатида нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) активлар аудитини такомиллаштиришида аудит якуният нотижалари бўйича таъсисчиларга асос сифатида ижрочи директор ва бош бухгалтер ҳамда тегишили бўлинма масъулларининг норматив ҳужжатларга

мос, интизомли ши фаолиятига холисона, ҳаққоний баҳо берии учун

аудиторлик хулосаси тақдим этишига асос бўлади.

Шу билан бир қаторда, нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) аудиторлик текширувларида таҳлилий амалларни қўллаши, мол-мулкларни инвентаризация қилиши, инвентаризацияни ўтказиши шартлари ҳамда фаолият кўрсатиб келаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ)ни назорат қилишининг маҳсус усуllibаридан фойдаланиши лозимлиги айтиб ўтилган. Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ)ниг сонини динамик ўзгариши график аосида кўрсатилган ва кенг таҳлиллар олиб борилган. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан қилинган таҳлиллари ўрганиб чиқилди ва таърифлари аосида алоҳида муаллифлик қараашлари ҳамда илмий ёндошувлари кенг очиб берилган.

Шу ўринда, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини ҳамда фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишида нодавлат нотижорат ташкилотлари молиявий мустақиллигини таъминлаши, уларнинг ўз мол-мулкига эга бўлиши, яъни активлари ҳисобини юритиши ва уларнинг ишлатилиши,

мавжудлиги, сақланишини, шунингдек ҳисобдан чиқарилиши аудити муаммоларига алоҳидат тўхталиб ўтиши долзарб масалалардан бирни ҳисобланади.

Annotation: This article discusses solutions to the problems of organizing an audit and inventory of assets by source, as well as checking accounting for the intended use of assets in non-state non-profit organizations (NSNPOs). It also analyzes the dynamics of changes in the number of NSNPOs in Uzbekistan, the main purpose of the audit of assets in non-governmental organizations, the scheme of sectors in which NGOs are established in Uzbekistan, and develops appropriate proposals and recommendations for improving the audit of assets of NSNPOs.

It also describes the procedure for registration of assets in the audit of comparative accounts and the use of other technical means as a control over the correctness of the inventory.

This, in turn, will be the basis for improving the audit of NSNPOs assets by providing the founders with an audit opinion on the final results of the audit for an objective, fair assessment of the disciplined activities of the executive director and chief accountant and officials of the relevant department.

At the same time, the audit of non-governmental organizations (NGOs) should use analytical methods, inventory of property, the conditions of the inventory and the use of special methods of control over existing NGOs (NGOs). The dynamic change in the number of non-governmental organizations (NGOs) is shown on a graph basis and extensive analysis has been conducted. The analysis of non-governmental non-profit organizations (NGOs) by local and foreign scholars has also been studied, and individual authorial views and scientific approaches based on

their definitions have been widely disclosed.


In this regard, in order to increase the effectiveness of public control over socio-economic reforms in the country and the active participation of citizens in democratic change, ensure the financial independence of NGOs, their ownership, ie the accounting of their assets and their use, availability, storage and write-off. Focusing on the problems is one of the most pressing issues.

Калим сўзлар: Нодавлат нотижорат ташкилот, тижорат ташкилот, актив, мол-мулк, аудиторлик текшируви, аудитни режсалаштириши, асосий восита, ТМЗ, пул маблағлари мақсадли тушум, грандлар, беғараз ёрдам маблағлари, молиявий ҳисобот.

Keywords: public organization, commercial organization, asset, property, audit, audit planning, fixed assets, inventories, targeted cash receipts, grants, non-discriminatory assistance funds, financial reporting.

Кириш. Мамлакатимизда қабул қилинган қонун ҳужжатлари тахлили шуни курсатадики, 2021 йил фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлиги ҳамда фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини ошириш бўйича амалга оширилган ислоҳотларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўрни бекиёсdir.

Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш соҳасида қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва амалга оширилаётган илоҳотларнинг мазмун-моҳиятини чукур тушуниб этиш «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишдан иборатлигини алоҳидат таъкидлаш лозим[3].



1-расм. Ўзбекистонда ННТлар сонининг динамик ўзгариши[11].

Бугунги кунда республикада турли соҳаларда 10462 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва 2200 дан ортиқ диний ташкилотлар ва 2000 га яқин ОАВ фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, сўнгти уч йил ичida ННТлар сони сезиларли ўсганлиги, хусусан 1991 йилда ННТлар сони 100 та бўлган ҳолда 2017 йил – 8700 та, 2018 йилда – 9235 та, 2019 йил 1 январь ҳолатига 9860 та ҳамда 2019 йил 1 октябрь ҳолатига 10462 та ННТ рўйхатдан ўтказилганлиги маълум қилинди[11].

Шу ўринда, мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий соҳадаги ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини ҳамда фуқароларнинг демократик ўзгаришилардаги фаоллигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари молиявий мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ўз мол-мулкига эга бўлиши, яъни активлари ҳисобини юритиш ва уларнинг ишлатилиши, мавжудлиги, сақланишини, шунингдек ҳисобдан чиқарилиши аудити муаммоларига алоҳида тўхталиб ўтиши долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Материал ва метод. Йирик тижорат компаниялари ва акциядорлик жамиятларида аудиторлик текширувларини ташкил этиш

масалаларига норматив-хуқукий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимларнинг асарларида кенг эътибор қаратилган.

Иқтисодчи олим Н.А.Казакованинг фикрича, аудит амаллари муаяйн бошқарув қарорларини асослаш ёки молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар ўртасидаги алоқадорликларни аниқлаш асосида профессионал фикрни шакллантириш мақсадида кўрсаткичларни таҳлил қилишдир [6].

Р.П.Булыга ва М.В.Мельник таҳлилий амалларни таҳлил қилинувчи кўрсаткичлар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқадорликларни аниқлаш мақсадида қўлланиладиган аудиторлик текшируви усули сифатида эътироф этган [6].

Иқтисодчи олимлар Ж.Крицингер ва К.Барак таҳлилий амаллар кўрсаткичлар ўртасидаги номувофиқликлар ва аудитор томонидан башорат қилинаётган микдорлардан фарқ қилувчи четланишларни аниқлаш мақсадида қўлланиладиган таҳлил усулидир, деган хulosага келишган [7].

Бошқа бир гурӯҳ иқтисодчи олимлар нодавлат нотижорат ташкилотларда аудиторларнинг профессионал хизматларига асосланган ҳолда молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар ўртасидаги

алоқадорликларни аниқлашда кўлланиладиган аудит усулидир, деб таъкидлаб ўтишган.

Республикамизда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти кенг тараққий этмаганлиги ва нисбатан кам ўрганилганлиги сабабли иқтисодчи олимларимиз илмий асарларида нодавлат нотижорат ташкилотлари активлар аудитининг хусусиятлари етарли даражада ёритилмаган. Аммо, мамлакатимизда умумий бухгалтерия хисоби ва аудитини ташкил этишнинг назарий ҳамда услубий жиҳатларининг муаммолари, шу жумладан ННТнинг айрим умумий бухгалтерия хисоби хусусиятлари тўғрисида А.А.Каримов, А.К.Ибрагимов, А.Х.Пардаев, Б.А.Ҳасанов, М.Қ.Пардаев, Н.Ю. Жўраев, К.Б.Ўразов, Э.Ф.Гадоев, Ш.У.Ҳайдаров каби олимларнинг илмий асарларида тадқиқ қилинган [9].

Юқорида таъкидланган фикрлардан кўриниб турибдики, иқтисодчи олимларнинг фикрларига асосан аудит амалларнинг моҳияти ва уларни кўллаш мақсадлари ёритилган. Бироқ, нодавлат нотижорат ташкилотларида активлар аудитини халқаро стандартлар асосида кўллаш кетма-кетлиги ва уларнинг аудиторлик далилларининг тўплашдаги аҳамиятига етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Натижалар. Илмий тадқиқотни амалга оширишда ННТда аудиторлик текширувлари борасидаги иқтисодчи-олимларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Мунозара. Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) аудиторлик текширувларида таҳлилий амалларни кўллаш зарур хисобланади. Айнан ННТда таҳлилий амаллар аудиторлик

далилларини тўплашда энг ишончли ва кўп кўлланиладиган усули хисобланади.

2016 йил 13 апрелдаги “Бухгалтерия хисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бухгалтерия хисоби ва хисоботи маълумотларининг тўғрилиги ҳамда аниқлиги активлар ва мажбуриятларни аудиторлик текширувларидан ўтказиш орқали тасдиқланади[1].

Нодавлат нотижорат ташкилотларида активлар аудитини ташкил этишда инвентаризация обьектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари бухгалтерия хисобининг миллӣ стандарти (19-сон БХМС) “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш”га мувофиқ белгиланади[5].

Нодавлат нотижорат ташкилотларида активлар аудитининг асосий мақсади – мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, ҳақиқатда асосий воситалари, товар моддий заҳиралари ва бошқа мол-мулкни бухгалтерия хисоби маълумотлари билан қиёслаш, мажбуриятлар ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текширишдан иборатдир¹. Бунда ННТнинг асосий воситалари, товар моддий заҳиралари ва барча турдаги молиявий мажбуриятларидан қатъи назар, ННТнинг барча мол-мулки инвентаризация қилиниши керак.

Шунингдек, моддий заҳиралар ва ННТга қарашли бўлмаган, лекин бухгалтерия хисобида қайд этилган (масъулиятли сақланишда бўлган, ижарага олинган, қайта ишлаш учун олинган) бошқа турдаги мол-мулклар, шунингдек, бирор-бир сабабга кўра ҳисобга олинмаган мол-мулк инвентаризация қилиниши керак.

Мол-мулкни инвентаризация қилиш унинг жойлашган ери ва моддий жавобгар шахс бўйича ўтказилади.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари мамлакатимиз жамиятининг турли соҳаларида фаолият

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган, 2022 й.

юритиб келмоқдалар. Бу эса уларнининг моддий-техника жиҳатидан тўлиқ жиҳозланиши даражаси юқори бўлиши жамиятнинг кескин талабларидан биридир.

ННТда активлар аудитини ўтказишида қуйидаги ҳолларда инвентаризация қилиниши шарт:

- мол-мулк ижарага берилганда;
- сотиб олинганда ва сотилганда;

-

давлат корхон аси



2-расм. Ўзбекистонда ННТ ташкил этилган соҳалар диаграммаси [11].

Илмий тадқиқотимиз натижасида шуни кўрсатадики, ҳозирги кунга келиб фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳасида 4185 та, аёллар ва ёшлар муаммоларини ҳал қилиш соҳасида 1674 та, соғлиқни сақлаш, таълим, экология масалалари соҳаларида 1569 та, бошқа ижтимоий соҳаларда 3034 та нодавлат нотижорат ташкил этилганлигини кўришимиз мумкин (2-расм).

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1998 йил 28 августдаги 486-сон билан рўйхатга олинган 4-сонли БХМС “Товар-моддий захиралар” га биноан товар-моддий захиралар бир йилда камидан бир марта инвентаризация қилинади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1998 йил 23

ўзгартирилган (давлат тасарруфидан чиқарилган) чоғда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда;

- йиллик молиявий ҳисботни тузиш олдидан, инвентаризация ҳисбот йилининг 1 октябридан кечиктирмай ўтказиладиган мол-мулкдан ташқари ҳолларда [2].

сентябрдаги 491-сон билан рўйхатга олинган 5-сон БХМС “Асосий воситалар”га мувофиқ асосий воситалар икки йилда камидан бир марта, кутубхона фондлари эса беш йилда бир марта инвентаризация қилинади [10].

ННТлар активлари аудитида бошқа хўжалик субъектлари каби пул маблағлари, пул ҳужжатлари, бойликлар ва қатъий ҳисобдаги бланклар ойда бир марта, хом-ашё материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари - ҳар чоракда, қимматбаҳо металлар - тармоқ йўриқномаларига мувофиқ инвентаризация қилинади.

ННТлар активлари қуйидаги ҳолларда инвентаризация ўтказилишига асос бўлади:

- моддий жавобгар шахслар алмашганда (ишларни қабул қилиш -

топшириш кунида);

- ўғирлик ёки суиистеъмол, шунингдек, бойликларни ишдан чиқариши фактлари аниқланганда;

- табиий оғатлар, ёнғинлар, фалокатлар ёки ғайритабиий шароитлар юзага келтирган бошқа фавқулодда вазиятлар юз бергандада;

- ННТ тугатилганда (қайта ташкил этилганда) тугатиш (ажратиш) балансини тузишдан олдин ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Хорижий тажрибаларни ўрганиш шуни кўрсатадики активлар аудитини ўтказиш учун ННТ маъмурияти таркибидан қуидаги шахсларни инвентаризация комиссиясига жалб қиқлиш лозим:

- ННТ раҳбари ёки унинг ўринбосари (комиссия раиси);

- бош бухгалтер;

- бошқа мутахассислар (муҳандислар, иқтисодчилар, техниклар ва ҳоказолар). Бу ўз навбатида ҳар бир активлар учун жавобгар шахсларни аниқлаш ва йўл қўйилган хато камчиликлар сабаблари ўрганилишига қиласди[8].

ННТларнинг аксарияти ижтимоий характердаги ташкилотлар бўлиб, асосий молиявий манбалари давлат бюджетидан берилаган мақсадли тушумлар ҳисобига шаклланади, шунингдек ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтувчи ташкилотлар ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб инвентаризация комиссияси таркибига ННТнинг ички аудит вакиллари киритилишини тавсия этамиз.

Ишлар ҳажми катта бўлганда молмулк ва молиявий мажбуриятларни инвентаризацияни бир вақтда ўтказиш учун таркибида:

- инвентаризацияни тайинлаган ННТ раҳбарининг вакили (комиссия раиси);

- мутахассислар бўлган ишчи инвентаризация комиссиялари тузилади.

Комиссия таркибига инвентаризация қилинаётган бойликлар,

нархлар ва бошланғич ҳисобни яхши биладиган тажрибали ходимлар киритилиши керак.

Биргина моддий жавобгар шахсларда худди шу ходимни кетма-кет икки марта ишчи инвентаризация комиссиясининг раиси қилиб тайинлаш тақиқланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари доимий ишлайдиган ва ишчи инвентаризация комиссияларининг шахсий таркибини ННТ юқори органлари томонидан ижрочи раҳбар билан келишилган ҳолда тасдиқлади. Инвентаризация чоғида комиссиянинг ақалли битта аъзоси йўқ бўлса, бу ҳол инвентаризация натижаларини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.[4]

ННТда доимий ишлайдиган инвентаризация комиссиялари:

- бойликлар сақланишини таъминлашга доир профилактика ишларини ўтказади, зарурат бўлганда ўз мажлисларида бойликларнинг сақланиши масалалари бўйича бўллим, филиал, шўйбалар раҳбарларининг ахборотларини тинглайди;

- инвентаризацияни ташкил этади ва ишчи инвентаризация комиссиялари аъзоларига тавсиялар беради;

- инвентаризация тўғри ўтказилганини назорат тариқасида текширувларни амалга оширади, шунингдек, инвентаризациялар орасидаги даврда сақлаш ва қайта ишлаш жойларида товар-моддий захираларни танлаб инвентаризация қиласди;

- инвентаризация натижалари тўғри чиқарилганини омборлар, омборхоналар, қурилиш майдонлари ва бошқа сақлаш жойларида бойликларни қайта навларга ажратиш бўйича таклифлар асосли эканлигини текширади;

- зарур ҳолларда (инвентаризация қоидалари жиддий бузилганлиги аниқланган ва бошқа ҳолларда) ННТ раҳбарининг топшириғига биноан тақрорий ялпи инвентаризация қиласди;

- бойликлар камомади ёки уларни

шикастлашга, шунингдек, бошқа бузилишларга йўл қўйган шахслардан олинган тушунтиришларни кўриб чиқади ва аниқланган камомадлар ҳамда бойликларни шикастлашдан кўрилган талафотларни бир изга солиш тартиби тўғрисида таклиф берадилар.

қўйидаги ҳолларда:

а) ННТ раҳбарининг буйруғига мувофиқ инвентаризацияни ўз вақтида ўтказиш ва уни ўтказиш тартибига риоя қилиш учун;

б) ҳисоб-китобларда текширилаётган асосий воситалар, Товар-моддий захиралар, пул маблағлари ва воситаларнинг ҳақиқатдаги қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар рўйхатга тўлиқ ва аниқ қайд этилиши учун;

в) Товар-моддий захираларнинг улар нархи белгиланадиган фарқловчи белгилари (тури, нави, русуми, ҳажми) рўйхатда тўғри кўрсатилиши учун;

г) белгиланган тартибиға мувофиқ инвентаризация материаллари тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилиши учун жавоб беради.

Инвентаризация олдидан ишли инвентаризация комиссиялари аъзоларига буйруқ, комиссия раисларига эса пломбир топширилади (инвентаризация комиссияси ишлайдиган бутун иш вақтида пломбир комиссия раисида сакланади). Буйруқда инвентаризацияни ўтказишга доир ишни бошлаш ва тугатиш муддатлари белгиланади.

ННТ асосий воситалари аудитида қўлайлик яратиши мақсадида унинг раҳбари ҳисобот ишида буюмларни асосий воситалар маркибидаги ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилашга ҳақли ва ушибу ҳолат ННТ ҳисоб сиёсатида акс эттириши таклиф этилади². Масалан, ҳисоб сиёсатида тегишли йил учун асосий воситанинг харид пайтида бир бирлик (тўплам) қиймати Ўзбекистон Республикаси белгиланган базавий

ҳисоблаш микдорининг қирқ баравари микдори сифатида белгилаши мумкин.

Аудитор ННТ асосий воситалари аудитида хизмат муддати ва қийматидан қатъий назар, қўйидагилар асосий воситалар таркибига киритилмаслигига аниқлик киритиши лозим:

а) маҳсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумлаб ва ёппасига ишлаб чиқариш учун ёки якка тартибдаги буюртмаларни тайёрлаш учун мўлжалланган, мақсадли йўналтирилган асбоблар ва мосламалар);

б) маҳсус ва санитария кийим-кечаклари, маҳсус пойабзаллар;

в) кўрпа-тўшак анжомлари;

г) ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига кўйиладиган асбоблар ва бошқалар);

д) ошхона анжомлари, шунингдек ошхона учун дастурхон-социqlар;

е) тикланиши бўйича харажатлар курилиш-монтаж ишлари таннархига киритиладиган вақтинчалик (нотитул иншоотлар) мосламалар ва курилмалар;

ж) камиди бир йиллик фойдаланиш муддатига эга бўлган алмаштириладиган ускуналар;

з) ов қуроллари (траплар, тўрлар, қармоқлар, матраплар, мережалар ва бошқалар).

Агарда ННТ юқорида санаб ўтилган мезонларга жавоб берадиган мулкни (сотиб) ўз эҳтиёжлари ва ўзи фойдалаши учун эмас, бошқага бериши ёки сотиши мақсадида олса, унда ушибу мулк узоқ муддатли активлар таркибига киритилмайди, балки жорий активлар таркибидаги товарларни ҳисобга олувчи счёtlар (2900) таркибига киритилади.

Бунда мақсадли тушумлар ва бошқа манбалар ҳисобига олинган асосий воситалар ва бошқа мол-мулкларнинг аналитик ҳисоби аудитини ташкил қилиш тавсия этилади. Бу ҳолда аналитик ҳисобни юритиш усулини ННТ ҳисоб сиёсатида белгилаб қўйиш зарур ва мақсадли тушумлар ҳисобига олинган асосий воситалар ҳисоби учун ишли счёtlар режасида қўйидаги счёtnи очиш

² Муаллиф илмий изланишлари, 2022й.

зарурлиги тақлиф қилинади:

0821 “Мақсадли ишлатиш учун асосий воситаларни сотиб олиш” счёти³.

Битта асосий воситада турлича фойдали фойдаланиш муддатига эга бўлган бир нечта мустақил объектлар мавжуд бўлган ҳолатда ҳар бир бундай объект бухгалтерия ҳисобида алоҳида мустақил инвентарь объекти сифатида тан олинади.

Аудитор асосий воситалар куйидагилар натижасида ННТ балансига киритилганлигини текшириш тавсия этилади[2]:

а) капитал қўйилмалар тугаганидан сўнг тикланган объектни қабул қилиш-топшириш;

б) олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;

в) ННТ таъсисчилари ва аъзоларидан мақсадли мулкий ҳисса, донор-мамлакатлардан қайтармаслик шарти билан (текинга) техник ёрдам (грант) сифатида олинган;

г) текинга келиб тушиш (хадя шартномаси бўйича);

д) айирбошлиш;

е) товар-моддий захиралар таркибидан ўтказиш;

ж) молиявий изара (лизинг) шартномаси бўйича олиш;

и) қиймати белгиланган асосий воситаларга капитал қўйилмалар;

к) асосий воситаларнинг ортиқча (ҳисобга олинмаган) объектларини аниқлаш.

Ўзбекистон Республикаси “Асосий воситалар” номли 5-сонли БҲМСнинг 43-бандига асосан қўлланиладиган амортизацияни ҳисоблаш усули корхонанинг ҳисоб сиёсатида мажбурий тартибда акс эттирилади, шунингдек ННТлар календарь йили давомида ҳисоб сиёсатини ўзгартирмаслиги керак, қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно [10].

Асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қийматини

аниқлашда тугатиш қиймат мухим аҳамият касб этади. Агарда тугатиш қиймати жуда паст бўлса, амортизацияланадиган аниқлашда ҳисобга олмаслик ҳам мумкин.

ННТ активлар аудитида асосий воситалр тугатиш қиймати юқори бўлса, у асосий воисталарни сотиб олиш санаси ёки қайта баҳолаш санасида аниқланади. Тугатиш қиймати асосий воситанинг хизмат муддати охирида кутилаётган тугатиш бўйича харажатларга камайтирилиши зарур.

Тугатиш қиймати - асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олинадиган активларнинг фараз қилинаётган суммаси тушинилади.[6]

Асосий восита объектлари бўйича ҳисобланган амортизация суммалари асосий воситалар эскиришини ҳисобга олуви чегирган счётларда (0200) тугишили суммаларни жамғариш йўли билан бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Амортизация ҳисоблаш бўйича харажатларни ҳисобга олиш учун ишчи счётлар режасида 8850 “Асосий воситалар (шу жумладан амортизация харажатлари) манбалари” счётини назарда тутиш лозим.

Асосий воситалар аудититда объектлар бўйича эскириш ҳисоблашни текширишда ҳисобот даврида амалга оширилади ва ушбу даврда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини ўрганиш лозим.

Масалан: ННТда ажратилган грант маблағларини ишлатиш бўйича смета тузилди. Маблағларни ўзлаштириш дастури икки йилга мўлжалланган.

Ушбу дастур сметаси (бюджет) бўйича 1000,0 минг сўм қийматдаги компьютер сотиб олинди.

Компьютердан фойдаланишнинг меъёрий муддати - 5 йил (амортизация

³³ Муаллиф илмий изланишлари, 2019й.



100%:5йил= 20% йилига).

Грантнинг амал қилиш муддати тугаганида ҳисоботга компьютерни сотиб олинганини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади, яъни ҳисоботда компьютернинг тўлиқ қиймати кўрсатилади.

1. Компьютернинг етказиб берувчидан келиб тушиши ва асосий воситалар таркибига кириб тушиши:

Дебет 0821 "Мақсадли ишлатиш учун асосий воситаларни сотиб олиш" счёти

1000 минг сўм;

Кредит 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёtlар" счёти 1000 минг сўм;

Асосий воситалар таркибига киритилиши:

Дебет 0150 "Мақсадли маблағлар ҳисобига олинган компютер жиҳозлари" счёти

1000 минг сўм;

Кредит 0821 "Мақсадли ишлатиш учун асосий воситаларни сотиб олиш" счёти

1000 минг сўм;

2. Етказиб берувчига тўлов:

Дебет 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёtlар" счёти 1000 минг сўм;

Кредит 5110 "Ҳисоб-китоб счёти" счёти 1000 минг сўм;

3. Мақсадли молиялаштириши маблағларининг ишлатилишини акс эттириши:

Дебет 8810 "Грантлар" 1000 минг сўм;

Кредит 8850 "Асосий воситалар (шу жумладан амортизация харажатлари) манбалари" счёти 1000 минг сўм.

Шундай қилиб, киритилган 8850 счёти грант бўйича мақсадли молиялаштириши маблағларининг сарфланишини акс эттириши имконини

берди. Бунда 8800 "Мақсадли тушиумлар" счётининг жами ўзгармай қолди.

4. Амортизация ҳисоблаши бўйича операцияларни акс эттириши:

Дебет 8850 "Асосий воситалар (шу жумладан амортизация харажатлари) манбалари" счёти 200,0 минг сўм;

Кредит 0250 "Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаши техникасининг эскириши" счёти 200,0 минг сўм.

5. 8850 "Асосий воситалар (шу жумладан амортизация харажатлари) манбалари" счётида асосий воситанинг тиклаш қийматидан ҳисобланган амортизация ажратмаларини қоплашга етарлича сумма мавжуд бўлмагандан, яъни агарда жамғарилган амортизация суммаси асосий воситанинг бошлигич қийматидан оша, қуидагича тузатув бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет 8510 "Узок муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" счёти;

Кредит 8850 "Асосий воситалар (шу жумладан амортизация харажатлари) манбалари" счёти.

6. Амортизация ҳисоблаши бўйича операцияларни акс эттириши:

Дебет 8850 "Асосий воситалар (шу жумладан амортизация харажатлари) манбалари" счёти;

Кредит 0250 "Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаши техникасининг эскириши" счёти.

Бироқ, агар мол-мулк ННТнинг тижорат фаолиятида ишлатилса ва ушбу фаолият ҳисобига олинган бўлса, амортизация ажратмаларини Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирган ҳолда умум ўрнатилган тартибида ҳисобланиши таклиф этилади.

Агар ННТ бинонинг мулк эгаси бўлса ва бино майдонининг бир қисми тижорат мақсадида фойдаланилса, бино бўйича ҳисобланган амортизация тадбиркорлик фаолияти бўйича харажатларга тегишли қисми ажратилиши тавсия этилади.

ННТда амортизация бўйича харажатларни тақсимлаш бинонинг тиклаш (баланс) қиймати, умумий майдони (кадастр хужжатлари бўйича) ва тадбиркорлик фаолияти бўйича фойдаланилаётган майдонга асосан амалга оширилиши тавсия этилади [7].

Эксплуатацияга яроқли асосий воситалар қийматининг 100 фоизи ҳажмида эскириш ҳисобланиши асосий воситанинг тўлиқ эскириш ҳисобланиши сабабли ҳисобдан чиқаришга асос бўлмайди.

Товар-моддий захираларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текширишга киришишдан олдин ишчи инвентаризация комиссияси:

- ёрдамчи бинолар, ертўлалар ва бойликлар сақланадиган, алоҳида киришикиш эшиклари бўлган бошқа жойларни пломбалаши;

- оғирликни ўлчайдиган барча асбоблар созланганини текшириши ва уларни тамғалашнинг белгиланган муддатларига риоя қилиши шарт.

ННТ активлар аудитида хўжаликка тегишли бўлмаган, бироқ унда жойлашган бойликларга алоҳида рўйхатлар тузилади. Уларда инвентаризация пайтида инвентаризация бўйича бошланғич ҳисоб хужжатларининг тасдиқланган намунавий шакллари қўлланилиши керак.

ННТлар раҳбарлари товар-моддий захиралар ва пул маблағларининг тўғри ҳамда ўз вақтида инвентаризация қилиши ва уларнинг кутилмагандага инвентаризация қилинишини таъминлаш учун жавобгардир. Улар бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигини қисқа муддатларда тўлиқ ва аниқ текширишни таъминлайдиган шароитларни яратиб беришлари шарт. Товар-моддий захиралар аудитини ўтказиш билан бир вақтда ННТнинг бухгалтерияси тегишли барча счёtlар бўйича ёзувларни корреспонденцияланувчи счёtlар билан қиёслаган ҳолда текшириши тавсия этилади. [8]

Аудиторлик текшируви

тугаганидан сўнг инвентаризация тўғри ўтказилганини назорат тариқасида текширишлар ўтказилиши мумкин. Уларни инвентаризация комиссиялари аъзолари ва моддий жавобгар шахслар иштирокида албатта инвентаризация қилинган омбор, омборхона, шуъба ва ҳоказолар очилишига қадар ўтказлиши керак. ННТда товар-моддий захиралар аудитида инвентаризация рўйхатига ҳар бир ном бўйича киритилади ва бунда номенклатура рақами, тури, гурӯхи ва миқдори кўрсатилади.

Аудиторлик текшируви вақтида келиб тушадиган товар-моддий захиралар моддий жавобгар шахслар томонидан инвентаризация комиссияси аъзолари ҳозирлигига қабул қилинади ва инвентаризациядан сўнг реестр ёки товар ҳисоботи бўйича кирим қилинади. Ушбу товар-моддий захиралар “Инвентаризация пайтида келиб тушган товар-моддий захиралар” номи билан алоҳида рўйхатга киритилади. Рўйхатда улар қачон, кимдан келиб тушгани, кирим ҳужжатининг санаси ва рақами, номи, миқдори, нархи ва суммаси кўрсатилади. Айни вақтда кирим ҳужжатида инвентаризация комиссияси раисининг имзоси билан ана шу бойликлар қайд этилган рўйхат санасига ҳавола қилган ҳолда “инвентаризациядан сўнг” белгиси кўйилади.[10]

Келиб тушган товар-моддий захиралар кирим қилинмаганлиги фактлари аниқланганда уларни олган шахсларнинг тушунтиришлари талаф қилиниши, суистеъмоллик ҳолатида эса материаллар ННТ юқори органлари (Таъсисчилар кузатув кенгаши ёки тергов органлари)га тақдим этилиши керак. Ана шу бойликлар масъулиятли сақланишида бўлган ННТлардан инвентаризация рўйхатларининг нусхалари олингандага комиссия бойликларнинг ҳақиқатдаги мавжудлигини (инвентаризация рўйхатлари нусхаларининг маълумотлари асосида) хужжатларга биноан белгиланган миқдор билан такқослади. Яроқсиз ҳолга келган идишларга ишчи



инвентаризация комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, сабаблари ва идиш учун масъул шахслар кўрсатилади.

Ортиқча ва кам чиқкан товармоддий захираларнинг қиймати солиштириш қайдномаларида уларнинг бухгалтерия хисобидаги баҳосига мувофиқ келтирилади. Инвентаризация натижаларини расмийлаштириш учун ягона регистрлар қўлланиши мумкин, уларда инвентаризация рўйхатлари (далолатномалари) ва солиштириш қайдномаларининг кўрсаткичлари бирлаштирилади. Солиштириш қайдномалари хисоблаш ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиб, шунингдек, қўлда тузилиши мумкин.

Хулоса. Ушбу тадқиқотимизда нодавлат нотижорат ташкилотларида активлар аудитини ташкил қилиш ва уларни ахборот манбалари бўйича инвентаризациядан ўтказиш, шунингдек, активларни мақсадли фойдаланилишини бухгалтерия хисобида акс эттирилганигина текшириш муаммолари ёритилган.

Юкоридагилардан келиб чиқиб ННТ активлари аудитини такомиллаштириш юзасидан қуидагича таклиф ва тавсиялар бериш мақсадга мувофиқдир:

1. Активлар аудити натижаларини расмийлаштиришда инвентаризация тугаган ойдаги хисоб ва хисботда, йиллик инвентаризацияда эса йиллик молиявий хисботда акс эттирилиши керак.

2. Активлар аудити жараёнида аниқланган товар моддий захиралар ҳақиқатдан мавжудлиги билан бухгалтерия хисоби маълумотлари ўртасидаги тафовутларни тартибга солиш тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқиш учун ННТ ижрочи раҳбарига тақдим этилиши шарт.

3. ННТ ижрочи раҳбари иш берувчи сифатида мулкга етказилган

зарар ҳажми, зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлик чегаралари ва тартибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси билан тартибга солиш тавсия этилади. Бунда бир ойлик ўртача иш хақидан ошмайдиган етказилган зарар суммасини айбдор ходимдан ундириш иш берувчининг фармойишига мувофиқ амалга оширилади. Фармойиши етказилган зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан чиқарилиши мумкин. Бунда зарар ҳажми инвентаризация ўтказиш даврида мазкур жойда амал қилаётган бозор баҳолари бўйича хисобланади.

4. Агарда ННТ ходимларидан ундирилиши лозим бўлган етказилган зарар суммаси унинг ўртача ойлик иш хақидан юқори ёки зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойлик муддат ўтган бўлса, ундириш суд орқали амалга ошириш тавсия этилади. Бунда вазиятда инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқасини солиқقا тортиш Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодексига асосан амалга ошириш тавсия этилади.

Шунингдек иш берувчи сифатида ННТ активлари ўғирланганда, кам чиққанда, қасдан йўқотиш ёки қасдан бузиш натижасида ҳамда бошқа холларда етказилган зарар ҳажми бозор қиймати бўйича хисобланади ва жавобгар шахслар томонидан тўлиқ қопланиши шарт. Шу ўринда, активлар аудити якуний натижалари бўйича ННТ таъсисчиларига асос сифатида ижрочи директор ва бош бухгалтер ҳамда тегишли бўлинма раҳбарларининг норматив хужжатларга мос, интизомли иш фаолиятига холисона, ҳаққоний тартибда баҳо бериш учун аудиторлик хисботида акс эттирилиб тегишли аудиторлик хulosasi тақдим этиш тавсия этилади.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” Қонуни (янги таҳрири), ЎРҚ №404-сон, 2016 йил 13 апрель. «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 14 апрелдаги 73 (6508)-сони.
2. Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни, №763-I сонли 14.04.1999 йил.
3. Мирзиёев Ш. М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” - «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 16 январдаги 11 (6507) сони;
4. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счёtlари режаси ва уни кўллаш бўйича Йўриқнома”. АВ рўйхат рақами 1181-сон 2002 йил 23 октябр.
5. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сон БҲМС) “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш”. АВ рўйхат рақами 833-сон, 1999 йил 2 ноябр.
6. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) “Асосий воситалар”. АВ рўй. рақами 1299-сон 2004 йил 20 январ.
7. Hojiyev M.S. “Accounting in non-state non-profit organizations (NSNPO): integrity and impactanalysis”. International Journal of Economics, Commerce and Management. ISSN 23480386. Vol VI issue 2 (Impact Factor:4.313). 2018/page79-85 <http://ijecm.co.uk/wp-content/uploads/2018/02/626.pdf>. 2018.
8. Khojiyev Mekhriddin Sulaymonovich. Improvement of Audit of Payment in Non-State Non-Profit Organizations (NSNPO). International Journal On Economics, Finance and Sustainable Development/Vol. 4 No.2 (2022): IJEFSD/<https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/2710/2587>
9. Хожиев М.С. «Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш». иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган автореферат. Тошкент - «Iqtisod-Moliya», 2019й. 57 б.
10. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
11. <http://minjust.uz> - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг йиллик ҳисоботи, 2021 йил